

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМУРОДОВ АКБАР ДОНИЯРОВИЧ

ҚИШЛОҚ ОПТИК АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ ЛОЙИХАВИЙ
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун автореферат мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Нормуродов Акбар Дониёрович

Қишлоқ оптик алоқа тармоқлари лойиҳавий ишончилигини таъминлаш усуллари.....3

Нормуродов Акбар Дониёрович

Методы обеспечения проектной надежности сельских оптических сетей связи.....21

Normurodov Akbar Doniyarovich

Methods of ensuring project reliability of rural optical communication nets.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМУРОДОВ АКБАР ДОНИЯРОВИЧ

ҚИШЛОҚ ОПТИК АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ ЛОЙИХАВИЙ
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T2219 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Берганов Искандар Раҳманович техника фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Давронбеков Дилмурод Абдужалилович техника фанлари доктори, профессор Гулямов Шухрат Маннапович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти

Диссертация ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 декабрдаги соат 10⁰⁰ даги мажлисида ZOOM платформаси орқали **on-line** шаклда бўлиб ўтади. **Zoom идентификатори: 330 044 4963; Код: 1.** (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (232 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй.Тел.:(+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил “ 10 ” декабр да тарқатилди.

(2021 йил “ 9 ” декабр даги 7 рақамли реестр баённомаси)



И.Х.Сиддиков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Х.Э.Хужаматов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

М.М.Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва жамият бошқаруви фаолиятининг барча соҳаларига кенг жорий этиш, самарали фойдаланиш, олис аҳоли яшаш жойларида яшаётган фуқароларнинг ахборот олишга доир истакларини рўёбга чиқаришга мўлжалланган қишлоқ оптик алоқа тармоқлари лойиҳавий ишончлилигини таъминлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Энг долзарб бўлган ишлар, қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, лойиҳавий ишончлилигини таъминлаш усулларини ишлаб чиқиш, моддий-техник базасини изчил такомиллаштириш ва тизим фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Канада, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Хиндистон ҳамда Россия Федерациясида ва бошқа давлатда қишлоқ телекоммуникация инфратузилмаси, маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш, ҳамда улар асосида кенг полосали интерфаол хизматлар кўрсатишни таъминлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда оптик толали алоқа тармоқларидан фойдаланиш, тармоқларини ривожлантиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, кенг полосали хизматларнинг оммабоплигини таъминлашга хизмат қиладиган зарур инфратузилмани яратиш, эксплуатация қилишда уларнинг лойиҳавий ишончлилигини самарали техник хизмат кўрсатиш орқали таъминлашнинг илмий асосларини яратишни кенгайтиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, ёш авлоднинг ахборотга бўлган интеллектуал талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида истиқболли тармоқ ресурсларини тўғри танлаш, лойиҳавий ишончлилигини узоқ вақт ўзгаришсиз таъминлаш муаммо ҳисобланади. Қишлоқ оптик алоқа тармоқлари лойиҳавий ишончлилигини таъминлаш, зарур техник ва технологик мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда симли уланишнинг энг машҳур ва истиқболли воситаларидан бири сифатида пассив оптик технологиядан фойдаланиш долзарб ҳисобланмоқда.

Республикамызда ҳам оптик алоқа тармоқлари лойиҳавий ишончлилигини таъминлашни эътиборга олувчи усуллар, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш қамровини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиб кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қуйидаги вазифалар белгиланган: “...иқтисодиётда, ижтимоий соҳада, бошқарув тизимларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ...илмий - тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш,... илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини мустаҳкамлаш,

самарали илмий-инновацион ютуқларни амалиётга жорий этиш...”¹. Ушбу вазифаларни бажариш, хусусан, қишлоқ оптик алоқа тармоқларининг лойиҳавий ишончилигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон, “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 22 майдаги ПҚ-4329-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб берилган. Бу йўналишларда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган фуқароларнинг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг IV “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ оптик алоқа тармоқлари лойиҳавий ишончилигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқиш ва яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан, RWTH Aachen University (Германия), Пекин почта ва телекоммуникация университети (Хитой), Inha University (Корея), Украина Давлат телекоммуникация университети, Kyushu University (Япония), Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург Давлат телекоммуникация университети, “Марказий алоқа илмий-тадқиқот институти, Сибирь Давлат телекоммуникация ва информатика университети, Москва алоқа ва информатика техника университети (Россия) ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда. Қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг лойиҳавий ишончилигини ошириш масалаларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор таниқли хорижий олимлар ва муҳандислар, жумладан, R.Friman² (Буюк

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

² Р.Фриман. Волоконно-оптические системы связи, 3-е доп.издание. -М.: Техносфера. -2006. -496 с.

Британия), Е.Б.Алексеев³ (Россия), Е.Б.Гаскевич⁴ (Россия), И.Е.Никульский⁵ (Россия), А.Б.Никитин⁶ (Россия) ва бошқа таниқли олимлар катта хисса кўшганлар.

Шунингдек, Республикамизда қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг лойиҳавий ишончилигини ошириш ва уларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш бўйича бир қатор таниқли олимлар И.Р.Берганов⁷, М.М.Мухитдинов⁸, Б.Махкамжанов, И.Х.Сиддиков⁹, Х.Э.Хужаматов, Р.И.Исаев¹⁰ лар томонидан илмий изланишлар олиб борилиб етарли даражада назарий ва амалий натижаларга эришилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ оптик толали алоқа тармоқларининг лойиҳавий ишончилигини узоқ муддат сақлашга тўсқинлик қилувчи салбий омиллар таъсирлари, уларни бартараф этиш усуллари, техник хизмат кўрсатишни самарали ташкил этиш, шунингдек қишлоқ оптик алоқа тармоқлари ресурсларини мақбул шакллантириш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий усуллар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент ахборот технологиялари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №БВ-А3-027 “Мустақил энергия манбали бинонинг электр таъминотини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2017-2018), №БВ-Атех-2018-271 “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларни тадбиқ этиш муаммолари ва унда ахборотлашган иқтисодиётнинг ўрни” (2018-2020) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ оптик толали телекоммуникация тармоқлари лойиҳавий ишончилигини таъминлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд қишлоқ телекоммуникация тармоғининг техник ҳолатини статистик таҳлил қилиш;

³ Е.Б.Алексеев. Основы проектирования технической эксплуатации транспортных сетей на базы ЦСП и ВОСП. Москва.-2012.-240 с.

⁴ Е.Гаскевич. Проблемы строительства воздушных сетей ФТТН в частном секторе // Первая миля. -2019. - №3. -56-65 с.

⁵ И.Е.Никульский, О.П.Чекстер, О.А.Степулёник. Электропитание оконечных устройств GPON // Вестник связи. -2013. -41-51 с.

⁶ А.В.Никитин, И.Е.Никульский, А.А.Филиппов. Особенности внедрения технологий PON на сети оператора, занимающего существенные рыночные позиции //Вестник связи. -2009. -№4. -18-24 с.

⁷ И.Р.Берганов, А.Д.Нормуродов. Задачи развития телеком-муникационной сети // Ахбороткоммуникациялар: тармоқлар-технологиялар-ечимлар. -2019. -№4 (52). 43-49 б.

⁸ М.М.Мухитдинов, А.Э.Арифжанов. О развитии сетей широкополосного доступа // Ахбороткоммуникациялар: тармоқлар-технологиялар - ечимлар. -2019. -№3(51). -19-23 с.

⁹ И.Х. Сиддиков., Х.Э. Хужаматов. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ўз ичига олган гибрид энергия таъминоти тизимларининг бошқарувини моделлаштириш ва тадқиқ этиш // “ТАТУ хабарлари” илмий-техника ва ахборот-таҳлилий журнали. №3(39) - сон 2016 йил, 60-66 бетлар.

¹⁰ Р.И.Исаев. Устойчивость функционирования систем и сетей связи. Ташкент.: “Aloqachi”.-2017. -266 с.

қишлоқ телекоммуникация тармоғини қуриш учун истиқболли технологияни аниқлаш ва қурилиш топологиясини ишлаб чиқиш;

қишлоқ оптик алоқа тармоқларининг лойиҳавий ишончлилиги барқарорлигини таъминлаш усуллари аниқлашнинг аналитик ифодалари ва алгоритмини ишлаб чиқиш;

пассив оптик алоқа тармоғи абонент қурилмаларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилувчи қуёш электр манбаси схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оптик толали қишлоқ телекоммуникация тармоғи олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ оптик толали телекоммуникация тармоғининг ишончлилигини ошириш усуллари, модель ва алгоритмлари, кузатиш ва статистик таҳлил жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида қўйилган масалаларни ечишда математик статистика назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йиғилган маълумотларни қайта ишлаш орқали телекоммуникация тармоғининг ишга яроқлилигини баҳолашнинг статистик модели ишлаб чиқилган;

қишлоқ оптик алоқа тармоқлари самарадорлигини оширишда PON-технологияли истиқболли топология ишлаб чиқилган ва тузилиш схемаси ривожлантирилган;

эксплуатация жараёнида қишлоқ оптик алоқа тармоқларининг лойиҳавий ишончлилигини таъминловчи аналитик ифодалар ва кабелларни профилактикадан ўтказиш вақти ҳамда давомийлигини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

PON-технологияли қишлоқ оптик алоқа тармоқ абонент қурилмаларини барқарор ишлашини таъминловчи гибрид энергия таъминот манбаининг тузилиш схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ оптик алоқа тармоқларига киришни лойиҳавий ишончлилигини таъминлаш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

қишлоқ телекоммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш тавсифларини оптималлаштиришни дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

абонент қурилмаларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилувчи қуёш электр манбали схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таклиф қилинган ечимлар қишлоқ оптик алоқа кириш тармоқлари тузилиш тамойиллари, ҳозирги ҳолатда ишончлилиги қандай таъминланганлигини аниқлаш, лойиҳавий ишончлиликини оширишга хизмат қилувчи омилларни аниқлаш, профилактик хизмат кўрсатиш вақти, хизмат кўрсатишга кетган вақтни аниқлаш ва эҳтиёт қисмлар тўпламларини қулай шакллантириш имкониятини берадиган альтернатив ифодалари ҳосил қилинганлиги, шу билан бирга, назарий ва амалий натижаларнинг бир бирига мослиги тадқиқотларда олинган

натижалар умум қабул қилинган мезонларга мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оптик алоқа тармоқларига киришни лойиҳавий ишончилигини таъминлашга хизмат қилувчи усуллардан фойдаланиш, ишончиликни юқори даражада оширишни таъминлаши, тармоқнинг самарадорлигини ошириш омили бўлиши мумкинлиги, лойиҳавий ишончилиликни пасайтирувчи омилларни аниқлашни, лойиҳавий ишончилиликни эксплуатация жараёнида узок муддат сақлаб туриш учун хизмат кўрсатиш вақти, сони ва хизмат кўрсатишга кетган вақтни аниқлаш аналитик ифодалари, алгоритми ва абонент қурилмаларининг фақат ўзини электр таъминоти билан (автоном) таъминлаш учун қуёш электр манбаи схемаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат ва фуқароларнинг барча эҳтиёжларига жавоб берадиган ишончли қишлоқ оптик алоқа тармоғи яратилганлиги, лойиҳавий ишончилигини таъминлашга хизмат қилувчи аналитик ифодалар ва оптик кабелни профилактикадан ўтказиш вақтини аниқлаш алгоритми ҳамда қуёш электр манбаи схемаси узлуксиз хизмат кўрсатишни таъминлаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ оптик алоқа тармоқлари лойиҳавий ишончилигини таъминлаш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

йиғилган маълумотларни қайта ишлаш орқали телекоммуникация тармоғининг ишга яроқчилигини баҳолашнинг статистик модели ҳамда оптик алоқа тармоқларидан фойдаланишни таъминловчи истиқболли технологияси Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги корхоналарда хусусан, “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиалига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 09 февралдаги 33-8/930-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида телекоммуникация тармоғи самарадорлигини техник хизмат кўрсатиш вақти ва давомийлигини қисқартириш орқали 0,3 % гача оширишга эришилган;

қишлоқ оптик алоқа тармоқлари самарадорлигини оширишда PON-технологияли истиқболли топологияси ҳамда PON-технологияли қишлоқ оптик алоқа тармоқ абонент қурилмаларини барқарор ишлашини таъминловчи гибрид энергия таъминот манбаининг тузилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги корхоналарда хусусан, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 09 февралдаги 33-8/930-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида абонент қурилмаларини электр таъминоти билан (автоном) таъминлаш орқали абонент қурилмаларини 100 % электр энергия билан таъминлашга ҳамда 100 км оптик кабелларни иқтисод қилишга эришилган;

эксплуатация жараёнида қишлоқ оптик алоқа тармоқларининг лойиҳавий ишончилигини таъминловчи аналитик ифодалар ва кабелларни профилактикадан ўтказиш вақти ҳамда давомийлигини аниқлаш алгоритми Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги корхоналарда хусусан, “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиалига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 09 февралдаги 33-8/930-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида оптик алоқа тармоқларига профилактик хизмат кўрсатишнинг давомийлигини (ҳажмини) аниқлаш, эҳтиёт қисмлар тўпламини тўғри шакллантириш ҳамда оптик алоқа тармоқларининг лойиҳавий ишончилигини эксплуатация жараёнларини 0,9999 га етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 1 та республика илмий-техник ва илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, улардан 9 та мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда, шу жумладан 3 та хорижий, 6 та республика журналларида чоп этилган, шунингдек ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш бўйича 2 та гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамалар қисқартмаси ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар ҳақида маълумотлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ва кўлами, масаланинг умумий кўйилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оптик толали қишлоқ телекоммуникация тармоқлари лойиҳавий ишончилигининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ телекоммуникация тармоқлари (ҚТТ) курилишининг умумий тавсифи келтирилган, ҚТТ тармоқларидаги мавжуд камчиликлар қиёсий тадқиқ этилган. Қишлоқ телекоммуникация тармоғининг сифатини таҳлил қилиш учун қуйидаги мезонлар аниқланган.

Маълумки, телекоммуникация тармоғининг иш сифатини тавсифловчи асосий хусусиятлардан бири бу унинг ишончилиги ҳисобланади, каналлар

ва узатиш линияларининг беқарорлаштирувчи омилларнинг таъсирига (БОТ) қарши туриш қобилятини сақлаб қолиш хусусияти унинг яшовчанлиги ҳисобланади. Шу сабабли беқарорлаштирувчи омилларнинг телекоммуникация тармоқларига таъсири ички ва ташқи беқарорлаштирувчи омилларга бўлинади.

Ушбу бўлинишга кўра ички барқарорликни бузувчи омилларнинг таъсири телекоммуникация тармоғининг ишончлилигини таъминлаш муаммосини ҳал қилишгача камайишини, ташқи омиллар таъсири эса телекоммуникация тармоғининг яшовчанлигини таъминлаш муаммоси эканлигини таъкидлашга имкон беради.

Қишлоқ телекоммуникация тармоғининг узатиш линияларининг ишончлилик кўрсаткичи сифатида узатиш каналининг тайёрлик коэффиценти (K_{TK}) ишлатилади ва у қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$K_{TK} = \frac{T_{XK}}{T_{XK} + \tau_{KT}}, \quad (1)$$

бу ерда: T_{XK} - ҚТТ узатиш каналининг рад этмасдан ўртача ишлаш вақти; τ_{KT} - ҚТТ узатиш каналининг иш ҳолатига қайта тикланиш ўртача вақти.

Халқаро электр алоқа иттифоқининг G.827 тавсиясига кўра, маҳаллий телекоммуникация тармоғи узатиш каналининг ишончлилиги $K_T = 0,9999$ тенг деб меъёр белгиланган, йил давомида алоқа узилишининг давомийлиги 52,6 дақиқадан ошмаслиги керак.

Узатиш каналларининг яшовчанлиги кўрсаткичи сифатида узатиш каналининг K_{OTK} оператив тайёрлик коэффиценти қўлланилади ва у қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$K_{OTK} = P(t)K_{TK}, \quad (2)$$

бу ерда: $P(t)$ - ТБО (техник барқарорлаштирувчи омиллар) таъсиридаги телекоммуникация тармоқлари узатиш каналининг ишлаш қобилятини сақлаб қолиш эҳтимоллиги.

Қишлоқ телекоммуникация тармоғининг тоифасига нисбатан иш ҳолатда сақланиб қолиши ва беқарорлаштирувчи омиллар таъсиридан сўнг унда кутилаётган зарар даражасини баҳолаш 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

Қишлоқ телекоммуникация тармоғининг яшовчанлигини баҳолаш

Зарар даражаси	ТБО таъсирининг ҚТТга етказадиган зарари, %	Турли тоифадаги махсус истеъмолчилар учун алоқа йўналишларидан фойдаланиш коэффиценти, K_{OTK}			Оддий истеъмолчилар алоқа каналлари учун K_{OTK}
		1	2	3	
Юқори	50% гача	0,20	0,75	0,7	0
Ўрта	30% гача	0,85	0,80	0,75	0
Паст	10% гача	0,9	0,85	0,8	0,2

Белгиланган ишончлилик талабининг қатъийлиги ҳар бир маҳаллий алоқа операторига барча абонентларга фавқулодда тезкор хизматларга қўнғироқ қилиш имкониятини тақдим этиш зарурати билан боғлиқ.

“Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали Хонқа тумани аҳоли яшаш пунктидаги алоқа боғламасида 2019 йил давомида электр энергияси таъминотидаги узилишлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар статистик натижалари 1-расмда ва 2-жадвалда келтирилган.



1-расм. 2019 йил давомида электр энергияси билан таъминлашдаги узилишлар гистограммаси

Электр энергияси билан таъминлашдаги узилишлар гистограммаси қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг мавжуд ҳолати ўзгарувчанлигини баҳолаш воситаси ҳисобланади ҳамда биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган муаммони аниқлашга хизмат қилади.

2-жадвал

Аҳоли яшаш жойидаги алоқа боғламасида 2019 йил давомида электр энергияси таъминотидаги узилишлар статистик маълумотлари

Ойлар	Электр энергиясининг узилишлари сони	Давомийлиги (соат)	Узилишлар давомийлиги (соат)
Январь	7	2,6,8,3,6,2,4	31
Февраль	8	2,2,4,2,2,6,4,4	26
Март	4	2,2,1,1	6
Апрель	6	4,11,4,2,6,5	32
Май	7	1,2,2,6,10,4,2	27
Июнь	8	4,6,4,2,8,4,2,4	34
Июль	6	12,4,8,2,6,4	36
Август	3	6,4,4	14
Сентябрь	2	2,3	5
Октябрь	4	2,8,4,3	17
Ноябрь	3	4,4,3	11
Декабрь	5	6,4,6,6,2	24
Йил давомида	63		263

Аҳоли яшаш жойидаги алоқа боғламасида электр энергияси таъминотидаги узилишларнинг сонли қаторлари рад этишларни йиғиш ва

қайта ишлаш, муҳокама қилиш ва қарор қабул қилишда асосий восита ҳисобланади.


2019 йил давомида электр энергияси таъминотидаги муайян давомийликдаги узилишларнинг такрорланиш эҳтимоллиги тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда ва ушбу маълумотлардан тузилган гистограмма 2-расмда келтирилган.

3-жадвал

Электр энергияси таъминотидаги муайян давомийликдаги узилишларнинг такрорланиш эҳтимоллиги (2019 йил)

Узилишлар оралиғи	ω_i	ω_i / n
2-4	25	0,40
4-6	20	0,32
6-8	11	0,17
8 ва ундан кўп	7	0,11
Йил давомида	63	1,00

бу ерда: n - узилишлар сони; ω - тасодифий катталиқдаги қийматларнинг такрорланувчанлиги.



2-расм. Электр энергияси таъминотидаги муайян давомийликдаги узилишларнинг такрорланиш эҳтимоллиги гистограммаси (2019 йил)

Олинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Алоқа марказларини электр энергияси билан таъминлаш муаммоли.
2. Қишлоқ телекоммутация тармоғи янги технологиялар ва инновацияларни кенгроқ жорий этиш орқали бошқа тармоқлар қатори тубдан модернизацияга муҳтож.

Диссертациянинг “Қишлоқ оптик толали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш вариантларини тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи бобида қишлоқ телекоммуникация тармоғини қуриш учун ишлатилиши мумкин бўлган технологиялар қиёсий таҳлили амалга оширилган; қишлоқ жойлари учун танланган пассив оптик толали тармоқ

технологиясининг хусусиятлари қайд этилган; оптик толали телекоммуникация тармоғининг ишлаши давомида лойиҳавий ишончилигини таъминлаш усуллари кўриб чиқилади.

Бугунги кунга келиб кириш тармоқларида фойдаланиш учун бир қатор технологиялар ишлаб чиқилган. Улардан энг кўп қўлланиладиганлари xDSL, Ethernet, Docsis ва PON технологиялари ҳисобланади.

Бу технологиялардан қишлоқ телекоммуникация тармоқларини қуриш учун энг муносиби PON (Passive optical network, *пассив оптик тармоқ*) ҳисобланади. Қишлоқ жойларида абонент киришини ташкил қилиш учун PON тармоқлари юқори даражада мос келади, бу кўплаб абонентларни минимал харажатлар билан кам сонли қурилмалар ва кабеллар орқали тармоқга улаш имконини беради.


Бундай ҳолда, кўплаб абонентларга битта марказий OLT (Optical Line Terminal) хизмат кўрсатади. Оптик тола орқали узатиладиган маълумотлар ONT (Optical network Terminal) абонент қурилмаларига юборилади, улар гуруҳли сигналдан фақат ўзларига тегишли маълумотларни ажратиб олади.

Оптик толали тармоқлар бўйича ахборот узатиш технологияси оптик тармоқларнинг энг кам фаол компонентлари ва ресурсларидан фойдаланиш туфайли катта имкониятларга эга.

Оптик кириш тармоқларини қуришнинг тўртта: “нуқта-нуқта”, “ҳалқа”, “актив тугунли дарахт”, “пассив оптик тармоқланган дарахт” топологиялари мавжуд. Улардан қишлоқ телекоммуникация тармоқларини қуриш учун “дарахт” топологияси бошқаларга қараганда устунликка эга. У PON топологиясининг асоси бўлган “нуқта-кўп-нуқта” мантикий топологиясидан фойдаланади.

Ўнлаб абонентларни қамраб олган дарахтга ўхшаш архитектуранинг бутун сегменти марказий тугуннинг битта портига уланиши мумкин. Шу билан бирга, оралиқ дарахт тугунларида электр таъминоти ва техник хизмат кўрсатишни талаб қилмайдиган ихчам, тўлиқ *пассив оптик сплиттерлар* ўрнатилади.

Пассив оптик тармоқланган “дарахт” топологияси асосида қурилган PON тармоғи фрагменти модели 3-расмда келтирилган.



3-расм. Қишлоқ оптик кириш тармоғининг фрагменти модели

PON технологияси тежамкор ва қулай бўлиб, алоқа тугунлари сонини ва унинг ўтказувчанлигини осонгина оширишга имкон беради. Пассив оптик ажратгичлар (сплиттерлар) ихчам бўлиб, электр таъминоти ва техник хизмат кўрсатишни талаб қилмайди.

Ҳозирги вақтда барча PON стандартлари орасида энг оммабоп ва истиқболлиси GPON (Gigabit Passive Optical Network, гигабитли пассив оптик тармоқ) стандарти ҳисобланади. Бу тармоқларни аҳоли кам бўлган ҳудудларда жойлаштириш осон ва кенг полосали кириш тармоқларнинг имкониятларини кенгайтириш учун қулайроқ.

Абонентга 2488 Мбит/с ва абонентдан 1244 Мбит/с гача бўлган юқори маълумот узатиш тезлиги ҳар бир абонент учун юқори сифатли интернетга киришни таъминлайди.

GPON технологияси кенг имкониятга эга, маълумотлар узатишнинг юқори тезлиги ва абонент терминаллари нархининг фаол камайиши ҳисобига тобора долзарб бўлиб бормоқда. Айнан шу ечимлар абонентларнинг кириш тезлиги ва ишончлилигига бўлган ўсиб бораётган талабларини қондира олади.

Қишлоқ жойларида PON ни қўллашнинг асосий хусусиятлари:

- оптик кабелларни (алоқа линияларини) таянч устунларга ошиш, шунинг учун оптик кабеллар атмосфера таъсирларидан (шамол, ҳарорат ўзгариши, намлик ва бошқа омиллардан) ҳимояланиши керак;

- электр таъминоти тармоғидан электр узилиши даврида ONT абонент қурилмаларини электр билан таъминлаш муаммоли. Бунинг сабаби шундаки, PON схемасида абонент қурилмаларини электр энергияси билан масофадан таъминлаш имкониятини аҳоли пунктидаги автоматик телефон станциясининг аккумуляторидан анъанавий абонентлар каби таъминлаб бўлмайди;

- ONT қурилмалари истеъмол қиладиган қувват юқори кўрсаткичи ўртача 15 Вт ни ташкил этади, анъанавий тармоқларда бу қиймат тахминан 0,5 Вт ни ташкил қилади. Шу муносабат билан ONT абонент қурилмалари учун автоном узлуксиз қувват таъминотини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Диссертациянинг **“Қишлоқ оптик толали алоқа тармоқларининг лойиҳавий ишончлилигини таъминлаш усуллари”** деб номланган учинчи бобида қишлоқ телекоммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш хусусиятларини оптималлаштириш ва хизмат кўрсатувчи ходимларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашнинг аҳамиятига асосланган. Одатда, PON нинг ишончлилиги унинг элементларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш жараёнида, тармоқни лойиҳалаш ва қуриш пайтида, шунингдек, иш пайтида техник хизмат кўрсатиш орқали таъминланади. ҚТТ тежамкорлигини таъминлаш учун уни профилактика қилиш хусусиятларини оптималлаштириш мақсадга мувофиқдир.

$$P_{\phi c} = K_{\phi c} P(T_{\Pi}). \quad (3)$$

бу ерда: T_{Π} - техник хизмат кўрсатиш самарали вақтини аниқлаш параметри, $K_{\phi c}$ - телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Техник қурилма иш ҳолатда бўлиши ва кейинги профилактик хизмат кўрсатилиш T_{II} вақтигача $P(T_{II})$ эҳтимолий вақт давомида рад этишсиз ишлайди ҳамда рад этишсиз ишлаш эҳтимолини $P(T_{II}) = e^{-\lambda T_{II}}$ тенг бўлади.

Агар (3) ифодага $K_{\phi C}$ фойдаланиш самарадорлиги ва раддиясиз ишлаш эҳтимоли ифодалари қўйилса, қуйидаги кўринишдаги ифода ҳосил бўлади:

$$P_{\phi C} = \frac{T_{\varepsilon T K Y I B}}{T_{\varepsilon T K Y I B} + \tau_{\varepsilon I I I} + \tau_{\varepsilon K T}} e^{-\lambda T_{II}}, \quad (4)$$

бу ерда: $T_{\varepsilon T K Y I B}$ - техник қурилманинг умумий ишлаш вақти, $\tau_{I I I}$ - техник хизмат кўрсатишнинг давомийлиги, τ - техник хизмат кўрсатишлар сони билан солиштирганда узгаришсиз. $\tau_{I I I} = \text{const}$, $\tau_{I I I} \ll T_{II}$ ва қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг қайта тикланиш умумий вақти $\tau_{\varepsilon K T}$ фақат T_{ε} эксплуатация вақтига боғлиқ:

$$T_{\varepsilon} = T_{\varepsilon T K Y I B} + \tau_{\varepsilon I I I} + \tau_{\varepsilon K T}. \quad (5)$$

Шунинг учун маълум бир операцион вақт учун, қабул қилинган тахминларни ва (5) ифодани ҳисобга олган ҳолда $\tau_{\varepsilon K T} = \text{const}$ деб ҳисоблаб қуйидагига эга бўлинади:

$$P_{\phi C} = \frac{T_{\varepsilon} - \tau_{\varepsilon I I I} - \tau_{\varepsilon K T}}{T_{\varepsilon}} e^{-\lambda T_{II}} = \frac{T_{\varepsilon} \frac{T_{\varepsilon}}{T_{II}} \tau_{I I I} - \tau_{\varepsilon K T}}{T_{\varepsilon B}} e^{-\lambda T_{II}} = \left(1 - \frac{\tau_{I I I}}{T_{II}} - \frac{\tau_{\varepsilon K T}}{T_{\varepsilon}} \right) e^{-\lambda T_{II}}, \quad (6)$$

бу ерда: $(T_{\varepsilon}/T_{II}) - T_{\varepsilon}$ вақт давомида профилактик хизмат кўрсатишлар сони.

Қишлоқ телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш самарадорлиги максимал қийматга эга бўладиган T_{II} қийматни топиш керак бўлса, (6) ифода асосида энг юқори даражадаги кўрсаткичларни топиш учун муаммо камаяди. $P_{\phi C}$ максимал бўлган T_{II} нинг қиймати профилактик хизмат кўрсатишининг энг қулай қиймати ҳисобланади:

$$P_{\phi C}^1 = \frac{\tau_{I I I}}{T_{II}^2} e^{-\lambda T_{II}} - \lambda \left(1 - \frac{\tau_{I I I}}{T_{II}} - \frac{\tau_{\varepsilon K T}}{T_{\varepsilon}} \right) e^{-\lambda T_{II}} = 0; \quad (7)$$

$$e^{-\lambda T_{II}} = \frac{\tau_{I I I}}{T_{II}^2} - \lambda \left(1 - \frac{\tau_{I I I}}{T_{II}} - \frac{\tau_{\varepsilon K T}}{T_{\varepsilon}} \right) = 0.$$

Агар иккита кўпайтирувчиларнинг кўпайтмаси нолга тенг бўлса, у ҳолда улардан камида биттаси нолга тенг бўлиши керак. Аммо $e^{-\lambda T_{II}}$ қиймат фақат $T_{II} = \infty$ бўлганда нолга тенг бўлиши мумкин, бунга йўл қўймаслик керак. Бунинг олдини олиш мақсадида иккинчи кўпайтирувчи нолга тенглаштирилади, яъни:

$$\frac{\tau_{I I I}}{T_{II}^2} - \lambda \left(1 - \frac{\tau_{I I I}}{T_{II}} - \frac{\tau_{\varepsilon K T}}{T_{\varepsilon}} \right) = 0. \quad (8)$$


Алгебраик ўзгартиришлар киритиш орқали T_{II} қийматга нисбатан қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$\lambda(T_{\varepsilon} - \tau_{\varepsilon K T})T_{II} - \lambda\tau_{I I I}T_{\varepsilon} - T_{\varepsilon}\tau_{I I I} = 0. \quad (9)$$

Хосил қилинган модел бўйича алгебраик алмаштиришлар амалга оширилади ва профилактик хизмат кўрсатишнинг энг қулай вақтини топиш аналитик ифодаси шакллантирилади:

$$T_{\text{попт}} = \frac{\lambda \tau_{\text{пш}} T_{\text{э}} \pm \sqrt{\lambda^2 \tau_{\text{пш}}^2 T_{\text{э}}^2 + 4\lambda(T_{\text{э}} - \tau_{\text{ект}}) T_{\text{э}} \tau_{\text{пш}}}}{2\lambda(T_{\text{э}} - \tau_{\text{ект}})}. \quad (10)$$

Назарий тадқиқот ва аналитик ифодалар асосида қишлоқ оптик телекоммуникация тармоқларида фойдаланиладиган оптик толали алоқа кабелига профилактик хизмат кўрсатиш вақтини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Техник хизматини кўрсатиш вақтини аниқлаш алгоритми

Профилактик хизмат кўрсатишнинг энг кулай давомийлигини аниқлашда:

- мантиқий фикрлаш ва кетма-кет яқинлашув усулидан фойдаланиб, хизмат кўрсатиладиган тармоқ участкалари рўйхатидан, n -радияли ишлаш эҳтимоли зарур қийматини ҳосил қилиш учун профилактика қилишнинг $P_{ММК}$ - мақсадга мувофиқлик коэффициентидан фойдаланилади. Агар тармоқдаги барча участкаларга кетма-кет хизмат кўрсатилади деб ҳисобласак, у ҳолда профилактик хизмат кўрсатишнинг умумий давомийлиги қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$\tau_{ПХК} = \sum_{i=1}^{k \leq n} t_i \cdot \quad (11)$$

Бу берилган шароитда профилактика ишларини ўтказишнинг энг кулай умумий давомийлиги вақти ҳисобланади. Қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг ишончлилиги ва уни сақлаш ҳаражатлари нархини таъминлаш нуқтаи назаридан эҳтиёт қисмлар тўпламларини кулай шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бунинг учун эҳтиёт қисмларининг хусусиятлари киритилади, бу қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг лойиҳавий ишончлилик кўрсаткичига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олишга имкон беради. Бундай хусусиятлар эҳтиёт қисмларининг етарлилик кўрсаткичлари деб аталади.

Ушбу кўрсаткичлардан бири $K_{ЭКТК}$ - эҳтиёт қисмларининг тайёрлик коэффициентидир, яъни эҳтиёт қисмларнинг муаммосиз ҳолатда бўлиш эҳтимолини англатади.

$$K_{ЭКТК} = \frac{1 - \bar{t}_{БР.ЭК}}{\bar{t}_{БР.ЭК} + \bar{t}_{ЎВ.ЭК}}, \quad (12)$$

бу ерда: $\bar{t}_{БР.ЭК}$ - эҳтиёт қисмларнинг бўлмаганлиги сабабли юзага келган битта раддиянинг ўртача давомийлиги; $\bar{t}_{ЎВ.ЭК}$ - эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги сабабли ҳосил бўлган рад этишлар орасидаги ўртача вақт.

Эҳтиёт қисмлар етарлилигининг кейинги кўрсаткичи $\Delta \bar{t}_{ЭК}$ ўртача кечикиш вақти ҳисобланади:

$$\Delta \bar{t}_{ЭК} = \frac{\lim \tau_k(t)}{N(t)}, \quad (13)$$

бу ерда: $\tau_k(t)$ - эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли t - вақтда келиб тушган сўровларнинг умумий кутиш вақти йиғиндиси; $N(t)$ - t вақтда келиб тушган сўровларнинг умумий сони.


Агар $\Delta \bar{t}_{ЭК}$ - эҳтиёт қисмларнинг етарлилиги кўрсаткичи ўртача кечикиш вақти бўлса, у ҳолда эҳтиёт қисмларнинг етарлилигига талаб қуйидаги тенгсизлик орқали аниқланади:

$$\Delta \bar{t}_{ЭК} \leq \Delta \bar{t}_{ЭК}^{-Талаб}, \quad (14)$$


бу ерда: $\Delta \bar{t}_{ЭК}^{-Талаб} = \bar{t}_P - \bar{t}_{P\infty}$.

Диссертациянинг “Қишлоқ оптик толали телекоммуникация тармоқларини электр таъминоти муаммолари” деб номланган тўртинчи бобида ONT қурилмаларини электр таъминотини ташкил этиш ва қуёш энергияси манбаси структуравий схемаси келтирилган. Қуёш элементларини танлаш ва аккумуляторларнинг энг қулай қуввати, атроф-муҳитнинг қуёш энергияси манбаларига таъсири масалалари кўриб чиқилган. Электр энергияси тармоғида узилишлар содир бўлганда ONT қурилмаларини электр билан таъминлашнинг барча мавжуд ва таклиф қилинган усулларини таҳлил қилиш натижасида автоном узлуксиз қувват манбаларидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилган.

Шу муносабат билан, ишончлилик ва иқтисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда, ONT қурилмаларини электр таъминоти учун қуёш энергияси манбасидан фойдаланиш муқобил усул сифатида таклиф этилмоқда. ONT қурилмаларининг муқобил электр таъминотини ташкил этиш тузилиш схемаси 5-расмда, қуёш энергия манбали электр таъминоти схемаси 6-расмда келтирилган.



5-расм. ONT қурилмаларининг автоном электр таъминотини ташкил этишнинг тузилиш схемаси



6-расм. Қуёш энергияси манбали электр таъминоти схемаси

Бу схеманинг асосий элементи фотоўзгартиргич (қуёш батареялари - ҚБ) панелидир. Уларнинг фойдали иш коэффициентини самарадорлиги:

$$\eta_{\text{КЭчегара}} \cong 1 - \frac{4T_{\text{КЭ}}}{3T_{\text{К}}}, \quad (15)$$

бу ерда: $T_{\text{КЭ}}$ - қуёш элементининг иссиқликни чиқаришни амалга ошириладиган мувозанатли ҳарорати, $T_{\text{К}}$ -5800 К, қуёш ҳарорати.

Қуёш элементлари $T_{\text{КЭ}}=300-500$ К ишчи ҳароратда, $T_{\text{КЭ}}=300-500$ К га тенг бўлади. Фойдали иш коэффициентининг бундай чегаравий қийматларига мавжуд ўзгартиргич элементларининг ҳеч бири эга эмас. Бу шунга асосланганки, агар қайтмас йўқотишларни камайтиришга қаратилган ҚЭни қулайлаштириш натижасида энергияни ўзгартирадиган

элементларнинг фойдали иш коэффиценти ўртача $\bar{\eta} = 0,5 \div 0,6$ қийматгача оширишга эришиш мумкин.

ХУЛОСА

“Қишлоқ оптик алоқа тармоқлари лойиҳавий ишончилигини таъминлаш усуллари” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Мавжуд қишлоқ телекоммуникация тармоқларининг ишончилигини таъминлаш хусусиятлари, асосий рад этиш турлари, статистик модели ҳамда ўтказилган тадқиқотлар натижаси рад этишларнинг қайта содир бўлиш эҳтимолини ҳисоблаш имкониятини берди. Статистик модел тадқиқоти натижасида ишончилиги юқори бўлмаган қишлоқ телекоммуникация тармоқлари ҳолатини аниқлаш ва уларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш орқали ишончилигини ошириш имкони таъминланган.

2. Тармоқларни қуришда энг оптимал варианти сифатида GPON стандарти бўйича қурилган “дарахт” топологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган ҳамда лойиҳалаштиришга кетган вақтни 5-6% камайтиришга эришилган.

3. Қишлоқ оптик алоқа тармоқларини қурилиш топологияси ҳамда оптик кабелни профилактикадан ўтказиш вақтини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқиш орқали техник хизмат кўрсатишлар сони, вақти ва давомийлигини аниқроқ топиш орқали рад этишларни бошқаришни 9% га ошириш имкони яратилган.

4. Тармоқни эксплуатациялаш жараёнида, унинг оптик-толали кабеллар, профилактик хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар тўпламини оптимал шакиллантириш орқали лойиҳавий ишончилиги кўрсаткичларини йил давомида 0,98 қийматда сақлаб туришга эришилган.

5. Пассив оптик алоқа тармоғи абонент қурилмаларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашнинг қуёш электр манбалари схемаси ёрдамида абонент қурилмаларини ишлаш самарадорлигини 100% га ошириш имконияти яратилган.

6. Ишлаб чиқилган илмий ечимларни амалиётга жорий этиш натижасида қишлоқ телекоммуникация тармоқлари абонент қурилмаларининг узлуксиз ишлаши таъминланади. Натижада абонентларга хизмат кўрсатиш лойиҳавий ишончилик 0,9999 қийматгача оширилди. Шу билан бирга абонентларга хизматларни тақдим этиш вақтининг қисқарганлиги ва фойдаланувчилар сонининг ошиши ҳисобига 10-12% самарадорликка эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

НОРМУРОДОВ АКБАР ДОНИЯРОВИЧ

**МЕТОДЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОЕКТНОЙ НАДЕЖНОСТИ
СЕЛЬСКИХ ОПТИЧЕСКИХ СЕТЕЙ СВЯЗИ**

**05.04.01 -Телекоммуникационные и компьютерные системы,
телекоммуникационные сети и информационные устройства. Распределение
информации**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/T2219.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tuit.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Берганов Искандар Рахманович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Давронбеков Дилмурод Абдужалилович доктор технических наук, профессор Гулямов Шухрат Маннапович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Военный институт информационно-коммуникационных технологий и связи Министерства обороны Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 24 декабря 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий в режиме on-line на платформе Zoom. Идентификатор Zooma: 330 044 4963. Код доступа: 1. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108.

Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий (регистрационный номер №232). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан « 10 » декабрь 2021 года.
(реестр протокол рассылки № 7 от « 9 » декабрь 2021 г.).



И.Х.Сиддиқов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Х.Э.Хужаматов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD, доцент

М.М.Мухитдинов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире проводятся исследования по обеспечению проектной надежности сельских оптических сетей связи, направленные на повсеместное внедрение современных информационно-коммуникационных технологий во все сферы государственного управления, их эффективное использование, реализацию информационных потребностей граждан, проживающих в отдаленной местности. Наиболее актуальными является работы по увеличению пропускной способности сельских телекоммуникационных сетей, разработка методов обеспечения проектной надежности, постепенное улучшение материально-технической базы и совершенствование законодательства, регулирующего систему, в соответствии с требованиями сегодняшнего дня. В связи с этим одной из важных задач в развитых странах мира, включая США, Канаду, Германию, Южную Корею, Китай, Индию и Российскую Федерацию и другие страны, является модернизация сельской телекоммуникационной инфраструктуры, сетей передачи данных и предоставление широкополосных интерактивных услуг.

В мире проводятся исследования по расширению использования волоконно-оптических сетей, устранению факторов, негативно влияющих на развитие сетей, созданию необходимой инфраструктуры для обеспечения популярности широкополосных услуг, созданию научной основы для обеспечения их проектной надежность за счет эффективного технического обслуживания. Вместе с тем является проблемой правильный выбор перспективных сетевых ресурсов для удовлетворения интеллектуальных потребностей и требований молодого поколения к информации, обеспечение проектной надежности длительное время без изменений. Является важным обеспечение проектной надежности сельских оптических сетей, разработка необходимых технических и технологических критериев, а также использование пассивной оптической технологии как одного из самых популярных и перспективных средств проводной связи.

В республике проводятся обширные научные исследования с целью принятия мер по обеспечению проектной надежности сельских оптических сетей, организации обучения, переподготовки и повышения квалификации кадров, разработки программных продуктов, расширения и улучшения сферы их использования. Этой связи важным является выполнение данных задач, в частности, разработка и исследование методов обеспечения проектной надёжности сельских оптических сетей связи. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2020-2021 годы определены задачи: «...внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления, совершенствование системы информационных технологий, повышение эффективности, качества оказания государственных услуг, стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание

эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»¹.

Для выполнения этих задач, в частности, важной является разработка и исследование методов обеспечения проектной надежности сельских оптических сетей связи.

Основные задачи и направления деятельности по развитию информационных и коммуникационных технологий определены в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3012 «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017 - 2021 годы» от 26 мая 2017 года, №ПП-4329 «О мерах по ускорению развития телекоммуникационной инфраструктуры в населенных пунктах Республики Узбекистан» от 22 мая 2019 года.

